

## АЛКОГОЛГА ҚАРАМЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ



Очилов Улугбек Усманович<sup>1</sup>, Султанов Шохрух Хабибуллаевич<sup>2</sup>, Тураев Бобир Темирпулотович<sup>1</sup>  
1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;  
2 - Тошкент давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КОМПЛЕКСНЫХ МЕТОДОВ РЕАБИЛИТАЦИИ В ПРЕОДОЛЕНИИ АЛКОГОЛЬНОЙ ЗАВИСИМОСТИ: АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ

Очилов Улугбек Усманович<sup>1</sup>, Султанов Шохрух Хабибуллаевич<sup>2</sup>, Тураев Бобир Темирпулотович<sup>1</sup>  
1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;  
2 - Ташкентский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Ташкент

## THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF COMPREHENSIVE REHABILITATION METHODS IN OVERCOMING ALCOHOL DEPENDENCE: AN ANALYSIS OF MODERN APPROACHES

Ochilov Ulugbek Usmanovich<sup>1</sup>, Sultanov Shokhrukh Khabibullaevich<sup>2</sup>, Turaev Bobir Temirpultovich<sup>1</sup>  
1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;  
2 - Tashkent State Medical University, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [bobir.turaev.89@mail.ru](mailto:bobir.turaev.89@mail.ru)

**Резюме.** Алкоголга қарамлик - инсоннинг жисмоний саломатлиги, руҳий ҳолати ва ижтимоий фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи, даволаш билан бир қаторда узоқ муддатли, мақсадли реабилитация жараёни талаб қилувчи мураккаб касаллик ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу муаммони самарали ҳал этиш учун комплекс ёндашувга асосланган реабилитация усулларидан фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда. Бундай ёндашувлар биологик, психологик, ижтимоий ва маданий омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда беморнинг ҳар томонлама тикланишига хизмат қилади. Юритилган илмий кузатувлар ва амалий тажрибалар шуни тасдиқлайдики, фақатгина фармакологик даволаш етарли самара бермайди. Унга қўшимча равишда когнитив-бихевиорал психотерапия, мотивацион маслаҳатлар, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, меҳнатга мослаштириш ва оила муҳитида қайта жамиятга қўшилиш чора-тадбирларини қамраб олган реабилитация дастурлари қайд этилмоқда. Бу эса ремиссияни узайтириш, рецидивлар хавфини камайитириш ва шохнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Комплекс реабилитация усуллари беморнинг нафақат соғлигини тиклаш, балки унинг фикрлаш тарзи, кундалик фаолияти ва хулқ-атворини ислоҳ қилишига қаратилган. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, замонавий реабилитация дастурлари интегратив ва индивидуал ёндашувлар асосида ишлаб чиқилиши, ҳар бир беморнинг шахсий эҳтиёжларини иноватга олган ҳолда ташиқил этилиши лозим. Бу эса алкогольга қарамликни даволашда юқори самарадорликка эришиш имконини яратади.

**Калит сўзлар:** алкогольга қарамлик, реабилитация, комплекс ёндашув, когнитив терапия, ижтимоий адаптация, рецидивларни профилактика қилиш.

**Abstract.** Alcohol dependence is a complex disorder that exerts a significant negative impact on an individual's physical health, psychological well-being, and social functioning. In addition to medical treatment, it requires a long-term and goal-oriented rehabilitation process. Nowadays, the need for rehabilitation methods based on a comprehensive approach is increasing. Such approaches aim to ensure holistic recovery by taking into account biological, psychological, social, and cultural factors. Scientific observations and practical experience confirm that pharmacological treatment alone is insufficient. Rehabilitation programs that incorporate cognitive-behavioral therapy, motivational counseling, social support, occupational reintegration, and reintegration into the family and community environment have proven to be more effective. These measures contribute to prolonging remission, reducing the risk of relapse, and improving the patient's quality of life. Comprehensive rehabilitation methods are designed not only to restore physical health but also to positively influence thinking patterns, daily activities, and behavioral responses. From this perspective, modern rehabilitation programs should be developed based on integrative and personalized approaches, tailored to the individual needs of each patient. This, in turn, creates the potential for achieving greater effectiveness in the treatment of alcohol dependence.

**Key words:** alcohol dependence, rehabilitation, comprehensive approach, cognitive therapy, social adaptation, re-

**Долзарблиги.** Ҳозирги кунда алкоғолга қарамлик муаммоси дунё микёсида энг кенг тарқалган ва инсон саломатлиги, оилавий муносабатлар ҳамда жамиятдаги ижтимоий барқарорликка салбий таъсир кўрсатаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, алкоғолизм касаллиги инсонлар ўртасида фақат ўлим ҳолатларининг ортишига эмас, балки иктисодий йўқотишлар ва ижтимоий таназзулларга ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис, ушбу касалликка қарши курашишда тиббиёт ходимларининг фармакотерапевтик ёрдамнинг ўзи кифоя қилмай, унинг олдини олиш, рецидивларни камайтириш ҳамда беморни жамиятга қайта мослаштиришга қаратилган комплекс реабилитация усулларини жорий этиш талаб этилмоқда [2, 3].

Маълумки, анъанавий усуллар асосан беморларни биологик ҳолатни яхшилашга йўналтирилган бўлиб, беморнинг шахсий, руҳий ва ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олмайди. Шунинг учун бугунги кунда био-психосоциал ёндашув асосида тузилган, ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган реабилитация дастурлари амалиётда юқори натижа бераётгани қайд этилмоқда. Бундай ёндашувлар нафақат беморнинг соғлигини яхшилашга, балки унинг ҳаёт сифати ва ижтимоий муносабатларини тиклашга хизмат қилади [1, 4].

Айниқса, алкоғолизм билан боғлиқ ҳолда кузатиладиган депрессия, хавотирли ҳолатлар ва когнитив қобилятнинг пасайиши реабилитация жараёнини янада мураккаблаштиради. Шу боис, бугунги кунда ушбу муаммога нисбатан замонавий илмий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш, уларнинг самардорлигини ўрганиш ва клиник амалиётга жорий этиш нафақат тиббий, балки кенг ижтимоий нуқтаи назардан ҳам жуда долзарб ҳисобланади [5, 6].

Алкоғолга қарамлик мавжуд бўлган беморларда фақат жисмоний саломатлик билан боғлиқ муаммолар эмас, балки руҳий носоғломлик, шахсий мотивациянинг заифлиги, ижтимоий алоқаларда узилиш, шунингдек ҳаётдан руҳий қониқиш даражасининг пасайиши каби омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларни барга раф этиш фақат комплекс ёндашув орқали амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолларда реабилитация фақат даволаш жараёнининг логик давоми эмас, балки шахсни тўлиқ барқарор ҳолатга олиб келувчи, давомий ва тизимли тартибда ташкил этиладиган чуқур жараён сифатида қаралиши зарур. Шу туфайли, ҳозирги кунда реабилитациянинг самарали амалга оширилиши учун фақат шифокорнинг иштироки кифоя қилмай, балки психолог, психотерапевт, ижтимоий мутахассис,

логопед ва бошқа соҳа вакилларининг ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади [7, 9].

Жаҳон амалиётида қўлланилаётган замонавий реабилитация технологиялари ўзининг самардорлигини кўплаб тадқиқотларда намоён этган. Жумладан, когнитив-бихевиорал усуллар, мотивацион маслаҳат бериш, гуруҳ шаклидаги психотерапевтик сеанслар, кундузги стационар асосидаги дастурлар, турли препаратлар билан қўшимча даволаш ва рецидивларни олдини олишга қаратилган комплекс чоралар турли мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Ушбу усуллар шахснинг ички кучини ишга солиш, ишончни тиклаш ва рецидив хавфини сезиларли даражада камайтиришда муҳим рол ўйнайди [3, 8, 11, 17].

Бундан ташқари, ҳар бир бемор учун унинг шахсий эҳтиёжлари, психологик хусусиятлари ва ижтимоий шароитига қараб индивидуал реабилитация режасини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Хусусан, беморнинг иш фаолиятига қайтиши, оилавий муносабатларини тиклаши ҳамда жамоатчиликда фаол иштирок этиши учун ижтимоий реинтеграциянинг аҳамияти бекиёсдир [10].

Шунинг билан бирга, реабилитация жараёнида ҳар бир беморнинг шахсий имкониятларини аниқлаш, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақсадли ва адаптив ёндашувни жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу борада когнитив фаолликни тиклаш, стрессли вазиятларда бардошлиликни шакллантириш, мустақил қарор қабул қилиш ва ўзини бошқариш қобилятини ривожлантиришга йўналтирилган психокоррекция усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [8, 11].

Бундан ташқари, реабилитациянинг ижтимоий жиҳати ҳам аҳамиятга эга бўлиб, унда меҳнат фаолиятига қайтиш, янги касбий малака ва амалиётни эгаллаш, жамиятда ўз ўрнини топишга хизмат қилувчи ижтимоий функцияларни тиклаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади [12].

Шу билан бирга, оила муҳитининг роли ҳам ушбу жараёнда ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Яқинлар томонидан кўрсатиладиган муносабат, уларнинг реабилитация жараёнига жалб этилиши беморда руҳий барқарорлик ва ишонч ҳиссини оширади. Бунинг учун махсус оилавий машғулотлар, психоэдукатив тренинглари ва маслаҳатлашув жараёнлари амалга оширилади. Соғлом оилавий муҳит ва эмоционал қўллаб-қувватлаш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ремиссияни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутаяди [11, 13].

Илмий-назарий таҳлиллардан келиб чиқадиган хулосаларга кўра, алкоғолизмга қарши курашишда ягона усул билан чекланиш - яъни

фақат дори воситалари ёки фақат психотерапевтик ёндошув орқали муваффақиятли натижага эришиш етарли эмас. Бу ҳолатда муаммога кенг камровли ва мураккаб ёндашув - биопсихосоциал модел - алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ёндашув инсоннинг жисмоний саломатлиги, руҳий ҳолати ва ижтимоий муҳитини ўзаро боғлиқ ва таъсирчан омиллар сифатида баҳолайди. Шу боис, реабилитация нафақат организмни тиклашга, балки шахсни барқарор ҳаётга қайтаришга қаратилган жараён жараёндир [7, 14].

Комплекс реабилитация тизимидаги устувор йўналишлардан бири бу -медикаментоз кўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ушбу жараёнинг мақсади организмни алкоголь таъсиридан тозалаш, ички аъзолар фаолиятини барқарорлаштириш ва стресс, депрессия, хавотир сингари ҳамроҳ руҳий ҳолатларни юмшатишдан иборат. Бу босқичда, асосан, антидепрессантлар, анксиолитиклар ва детоксикацион таъсирга эга препаратлар қўлланилади. Ушбу муолажалар жисмоний тикланиш жараёнининг асосини ташкил этади ва кейинги психо-ижтимоий чоралар учун замин яратади [2, 6, 10].

Реабилитациянинг яна бир муҳим бўғини - психологик интервенция. Бунда шахснинг руҳий барқарорлигини тиклаш, унинг мотивация даражасини ошириш, ҳиссий ҳолатини мусбат томонга йўналтириш мақсад қилинади. Амалиётда синаб кўрилган ва илмий асосланган усуллар - когнитив-бихевиорал терапия, мотивацион интервью, арт-терапия ва гештал терапия ёндашувлари бемор шахсиятидаги ўзгаришларни рағбатлантириш, ўз хатти-ҳаракатларини қайта баҳолаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади [3, 7, 15].

Ижтимоий мослашув, яъни реинтеграция жараёни реабилитациянинг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, шахсни жамият ҳаётига қайтаришни мақсад қилади. Ушбу жараён доирасида касбий малака ошириш, меҳнат бозорига мослашиш, жамоат фаолиятида иштирок этиш имкониятларини яратиш орқали шахснинг ижтимоий мақоми тикланади ва ҳаётга бўлган ишончи мустаҳкамланади [1, 6].

Шунингдек, оилавий мустаҳкамликни таъминлаш ва таълимий ёрдам кўрсатиш ҳам комплекс реабилитациянинг ажралмас қисмидир. Бемор яқинлари билан олиб бориладиган мақсадли машғулотлар, психоэдукатив суҳбатлар ва тренинглар оила аъзоларининг билими, онги ва муносабатини тўғри шакллантиришга хизмат қилади. Шу орқали бемор учун эмоционал жиҳатдан барқарор муҳит яратилади, бу эса рецидив хавфини камайитиришда муҳим омилдир [4, 8, 13].

Реабилитациянинг яна бир йўналиши - маънавий-маърифий тадбирлар орқали шахсда ижтимоий фаолликни кучайтириш, маънавий

қадриятларга бўлган муносабатни қайта тиклаш ва шахсий мақсадлар сари интилишни рағбатлантиришдир. Бу мақсадда спорт машғулотлари, маданий-маърифий учрашувлар, ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш каби фаолиятлар кенг жорий қилинади [11, 16].

Алкоголга мойиллик муаммосини ҳал этишда ягона ва универсал ечимнинг мавжуд эмаслиги амалиётда тасдиқланмоқда. Беморнинг шахсий, руҳий ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал реабилитация дастурини шакллантириш зарур ҳисобланади. Бу ҳолат биологик, психологик, ижтимоий ва маданий омилларни ўз ичига олган биопсихосоциомаданий ёндашувнинг долзарблигини янада оширади. Демак, беморнинг саломатлиги, ҳиссий ҳолати, атроф-муҳити ва қадриятлари ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар томонлама баҳоланиши керак [3, 12].

Реабилитация дастури тузилаётганда, дастлаб беморнинг когнитив қобилияти ва эмоционал ҳолати тўлиқ баҳоланади. Бу жараёнда МоСА каби когнитив скрининг тестларидан фойдаланиш мумкин. Олинган маълумотлар асосида беморга мос реабилитация йўналишлари белгиланади ва аниқ мақсадга йўналтирилган индивидуал режа тузилади [6].

Бундай дастурларни амалга оширишда фақатгина шифокорлар эмас, балки мултидисциплинар жамоа - нарколог, психотерапевт, клиник психолог, ижтимоий ходим, нутқ мутахассиси, педагог ва волонтерлар ҳамкорлигида иш юритилиши муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ўзаро мувофиқлашган фаолияти реабилитация жараёнининг самарадорлигини оширади [1, 7, 16].

Реабилитация жараёнида профилактикага алоҳида эътибор қаратилади. Рецидивларни олдини олиш мақсадида постреабилитацион мониторинг, маслаҳат сеанслари ва мунтазам мулоқот орқали бемор билан узлуксиз алоқа сақланади. Индивидуал назорат дафтарлари ва электрон алоқа воситалари орқали беморнинг ҳолати кузатилади [6, 15].

Ахборот ва таълимга асосланган компонентлар ҳам муҳим ҳисобланади. Психоэдукатив семинарлар, мотивацион тренинглар ва ҳаёт кўникмаларига оид курслар орқали бемор ва унинг яқинлари онгли равишда қайта йўналтирилади. Бундай тадбирлар шахсий ўсиш ва ижтимоий адаптация жараёнини жадаллаштиради [17].

Беморнинг жамиятга қайта мослашуви, реабилитациянинг муҳим қисми сифатида қаралади. Маҳаллий ҳокимият, таълим муассасалари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда касбий малака ошириш, қайта тайёрлаш, ишга жойлашиш ва жамоат ишларида иштирок этишга йўналтирилган механизмлар йўлга қўйилади. Шу тариқа, реоби-

литация жараёни - бу фақат тиббий даволаш билан чекланмасдан, шахснинг жисмоний, рухий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан барқарорлашувига йўналтирилган комплекс ва босқичма-босқич амалга ошириладиган тизимли ёндашувдир [8, 12, 19].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, спиртли ичимликларга қарамликка қарши самарали курашишда жамоатчиликнинг фаол иштироки, норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамлиги, таълим-тарбия соҳасида мақсадли ва тизимли ишлар олиб борилиши, шунингдек, профилактика бўйича кенг қамровли тарғибот фаолияти муҳим ўрин тутди. Алкоголизм каби мураккаб ижтимоий-биологик муаммони бартараф этишда фақат тиббиёт ходимлари эмас, балки кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ҳамда маҳалла ва оила институти ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёсдир [6, 9].

Айниқса, аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ўсмирлар ва ёшлар, таълим муассасаларида таҳсил олувчилар, ишчи-ходимлар ва хавф гуруҳларига мансуб шахслар билан мунтазам ва тизимли иш олиб бориш орқали салбий одатларнинг олдини олиш имкони туғилади. Бундай ишларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шахсий ва ижтимоий масъулиятни ошириш, рухий барқарорликни шакллантиришга қаратилган мақсадли тадбирлар муҳим ўрин тутди. Айниқса, профилактик тадбирлар, мотивацион учрашувлар ва таълимий лойиҳалар аҳолининг хабардорлигини ошириб, уларнинг онгли қарорлар қабул қилишига туртки бўлади [17].

Жаҳон амалиёти ва турли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, алкогольга қарамликни даволашдаги муваффақият фақат клиник ёки фармакотерапевтик усулларнинг сифатидангина эмас, балки соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва меҳнат тизимлари ўртасидаги самарали ҳамкорликка ҳам боғлиқдир. Бинобарин, ушбу масалада давлат сиёсатининг изчиллиги, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар, замонавий инфратузилма ва инновацион ёндашувлар асосида иш олиб бориш талаб этилади [14, 19].

Шу билан бирга, реабилитация жараёнида инсон қадри, шахсий ҳуқуқлар ва индивидуал хусусиятларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Беморларни рухий қийинчиликлардан чиқариш, уларда ички мотивацияни кучайтириш, шахсий салоҳиятни ривожлантириш - комплекс реабилитациянинг асосий мақсадларидан биридир. Фақат ана шундагина бемор тўлиқ ҳаётга қайтиши мумкин [3, 14, 20].

Хулоса қилиб айтганда, алкогольга бўлган қарамлик инсон саломатлигига, жамиятдаги ижтимоий мувозанатга ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатувчи жиддий муаммодир.

Уни самарали ҳал этиш учун фақат тиббий чоралар етарли бўлмай, балки мураккаб ва кўп соҳаларни қамраб олувчи ёндашув зарур. Бунда био-психо-социо-маданий асосларга таянилган, ҳар бир шахснинг шахсий эҳтиёжлари ва рухий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган реабилитация дастурлари катта аҳамият касб этади. Бундай дастурларни амалга оширишда тиббиёт ходимлари билан бир қаторда, психологлар, ижтимоий хизматчилар, педагоглар ва оила аъзолари иштирокининг фаол бўлиши муҳимдир. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат ва ахборот соҳалари ҳамкорлигида олиб бориладиган комплекс чора-тадбирлар беморнинг жамиятга қайтиши ва касалликнинг қайта авж олишини бартараф этишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

#### Адабиётлар:

1. Ergashev S. S., Mamurova M. M., Turayev B. T. Clinical-neurophysiological morphological Studies of children with Consequences of hypoxia //Journal of Medical Genetics and Clinical Biology. – 2025. – Т. 2. – №. 2. – С. 117-125.
2. Gaybiyev A. A., Mamurova M. M., Turayev B. T. Direct Effect of Comorbid Mental Disorders on The Clinical Course of Alcoholism //Journal of Medical Genetics and Clinical Biology. – 2025. – Т. 2. – №. 2. – С. 126-134.
3. Hamidullayevna X. D., Temirpulatovich T. B. Clinical and psychological features of alcoholism patients with suicidal behavior. – 2023.
4. Konstantinova O. et al. Clinical and psychological characteristics of patients with alcoholism with suicidal behavior //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 399-404.
5. Rizaev J. A., Rizaev E. A., Akhmadaliev N. N. Current View of the Problem: A New Approach to Covid-19 Treatment //Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4.
6. Rizaev J. A., Vohidov E. R., Nazarova N. S. The importance of the clinical picture and development of the condition of periodont tissue diseases in pregnant women //Central Asian Journal of Medicine. – 2024. – №. 2. – С. 85-90.
7. Niyozov S. T., Mamurova M. M., Turayev B. T. Modern Methods of Diagnosing and Treating Neurological Changes Observed in Alcoholism //Journal of Medical Genetics and Clinical Biology. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 107-116.
8. Novikov A. et al. Alcohol dependence and manifestation of autoaggressive behavior in patients of different types //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D11. – С. 413-419.
9. Ochilov U. et al. Factors of alcoholic delirium patomorphosis //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D12. – С. 223-229.



10. Ochilov U. et al. The question of the features of clinical and immunological parameters in the diagnosis of juvenile depression with "subpsychotic" symptoms //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D12. – С. 218-222.
11. Sedenkova M. et al. The possibility of predicting the time of formation and development of alcohol dependence: the role of genetic risk, family weight and its level //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D12. – С. 173-178.
12. Sultanov S., Turayev B., Xamrakulova K. The clinical characteristics of personality changes in secondary alcoholism //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 782-791.
13. Temirpulatovich T. B. et al. Alkogolizm bilan kasallangan bemorlarda covid-19 o'tkazgandan keyin jgardagi klinik va laborator o'zgarishlar //journal of biomedicine and practice. – 2023. – Т. 8. – №. 1.
14. Temirpulotovich T. B. et al. The Impact Of Medical And Social Factors On Alcohol Abuse In Patients With Alcoholism During The Covid-19 Pandemic //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2022. – С. 8195-8200.
15. Turaev B., Velilyaeva A. Formation and course of alcoholism in young women with alcoholic psychosis //Евразийский журнал медицинских и естественных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 226-232.
16. Turayev B. Comprehensive rehabilitation for alcoholism: recovery and treatment approaches //Modern Science and Research. – 2025. – Т. 4. – №. 2. – С. 309-319.
17. Очиллов У. У., Тураев Б. Т., Жумагелдиев Н. Н. Особенности формирования и течения алкоголизма у лиц с акцентуациями характера и личностными расстройствами //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 10-4 (88). – С. 101-103.
18. Очиллов У. У., Тураев Б. Т., Хушвактова Д. Х. Распространенность когнитивных нарушений у пациентов с алкоголизмом //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 17-2 (95). – С. 104-106.
19. Rizaev J. A., Maeda H., Khramova N. V. Plastic surgery for the defects in maxillofacial region after surgical resection of benign tumors //Annals of Cancer Research and Therapy. – 2019. – Т. 27. – №. 1. – С. 22-23.
20. Rizaev J. A., Bekmuratov L. R. Prevention of tissue resorption during immediate implant placement by using socket shield technique //Art of Medicine. International Medical Scientific Journal. – 2022. – Т. 2. – №. 3.

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КОМПЛЕКСНЫХ МЕТОДОВ РЕАБИЛИТАЦИИ В ПРЕОДОЛЕНИИ АЛКОГОЛЬНОЙ ЗАВИСИМОСТИ: АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ**

Очиллов У.У., Султанов Ш.Х., Тураев Б.Т.

**Резюме.** Алкогольная зависимость представляет собой сложное заболевание, оказывающее серьёзное негативное влияние на физическое здоровье, психоэмоциональное состояние и социальную активность человека. Для её лечения, наряду с медикаментозной терапией, требуется длительный и целенаправленный процесс реабилитации. В настоящее время возрастает необходимость применения реабилитационных методов, основанных на комплексном подходе. Такие подходы направлены на всестороннее восстановление пациента с учётом биологических, психологических, социальных и культурных факторов. Научные наблюдения и практический опыт свидетельствуют о том, что одной только фармакотерапии недостаточно для достижения устойчивой ремиссии. Эффективными считаются реабилитационные программы, включающие когнитивно-поведенческую психотерапию, мотивационное консультирование, социальную поддержку, трудовую адаптацию и реинтеграцию пациента в семейную и общественную среду. Подобные меры способствуют продлению ремиссии, снижению риска рецидивов и улучшению качества жизни больного. Комплексные методы реабилитации направлены не только на восстановление физического здоровья, но и на коррекцию образа мышления, поведенческих моделей и повседневной активности пациента. С этой точки зрения современные реабилитационные программы должны разрабатываться с применением интегративного и персонализированного подходов, учитывающих индивидуальные особенности и потребности каждого пациента. Это, в свою очередь, повышает эффективность лечения алкогольной зависимости.

**Ключевые слова:** алкогольная зависимость, реабилитация, комплексный подход, когнитивная терапия, социальная адаптация, профилактика рецидивов.